O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB...
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
14 июнь
ЧОРШАНБА
№ 46
(11.849)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг 15 йиллигига

**Бундан икки-уч йил муқаддам катта байрам арафасида ўртачирчиқлик фермер Аъзам Давлетов билан суҳбатлашганимизда, заминдор ўз фаолияти, ютуқлари, орттираётган тажрибалари хусусида гапира туриб, тармоқ келажаги, жадал ривожланиши учун очилаётган янги имкониятларни мамнунлик билан тилга олган эди.**

## ФЕРМЕРНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

— Мустақиллик шабадаларидан ҳар ерда, ҳар қадамда баҳра олиш мумкин, — деган эди пировардида у. — Бироқ, Истиқлол энг катта имкониятни деҳқонга берди. Ҳали кўрасиз, чинакам мустақиллик неъмати бўлмиш фермерлик ўзининг нечоғлик истиқболли эканлигини тўла намоён этади, мамлакат бўйлаб янада кенгроқ қанот ёзади, замон фермерники бўлади.

Бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида изчил тус олаётган ислоҳотлар, хусусан, жамиятнинг янги, келажаги ёруғ мулкдорлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, эришилаётган дастлабки натижалар хусусида гап кетар экан, беихтиёр шу хаёллар қайта жонланади. Оддийгина ер эгасининг ўз келажаги ва муваффақиятига тўла ишонч кўзи билан қараши, интилиш ва изланувчанлик, ташаббускорлик сари дадил одимлаши, руҳланиши бежиз эмас. Чиндан ҳам ўтаётган ҳар кун ер ва мулк эгалари, каттакичик тадбиркорлар, бошқача қилиб айтганда, юртимиз иқтисодиёти ўзак томирларининг бақувват илдиз отиши учун муносиб замин яратмоқда.

Шу ўринда, фермерликни жадал ривожлантириш йўлида босқичма-босқич қабул қилиниб, тармоқни йўлга қўйиш ва шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган меъёрий ҳужжатларни тилга олиш жоиз. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг «2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси ўлароқ тармоқ ривожи юқори босқичга кўтарилди. Рақамлардан далиллар келтирилса, бу борадаги ислоҳотлар кўлами ва қамрови нечоғли кенг бўлаётгани ойдинлашади.

Мисол учун, ўтган йили вилоятимизда 8377 та фермер хўжалиги фаолият юритар, улар ихтиёридаги ерларнинг умумий майдони 173317 гектар эди. Ҳозирга келиб эса, фермерлар тасарруфидаги ерлар 338675 гектарга кенгайди. Мустақил, юридик мақомга эга заминдорлар эса 20 мингга яқинлашди. Ўтган йил таҳлилларига кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фермерлар улуши 71-73 фоиз атрофида қайд этилган. Мулкдорлар сафининг кескин кенгайгани ҳисобига бу мавсум бундан ҳам анча салмоқли кўрсаткичларга эришилиши кутилмоқда.

— Вилоятимиз фермерлари муҳим тармоқлар саналган пахта ва ғалла етиштиришда йилма-йил тажриба орттириб бормоқдалар, — дейди фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги раҳбари Тўлқин Тўраев. — Кўплаб фермерлар ўз фаолиятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатига эътиборни кучайтириш, иш юритишнинг янги шакл ва услубларини қўллаш, аъзоларининг моддий манфаатдорлигини сезиларли даражада ва мунтазам ошириб бориш эвазига салмоқли натижаларни қўлга киритаётирлар. Улар орасида мева-сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар синфининг шаклланганини ва барқарор ривожланаётгани ҳам қувонарлидир. Ҳозирги кунга келиб, бу йўналишдаги фермерларимиз 9000 нафарга етиб қолди. Демак, вилоятимизда кейинги йилларда бироз оқсаётган тармоқларни оёққа турғизиш учун ҳам мустаҳкам имкониятлар яратилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун Бекободдаги А. Жабборов номли, Оққўрғондаги «Покиза», Чиноздаги «Муқимий», Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота», Бўкадаги «Учқун», Янгийўл туманидаги «Уфқ» каби юзлаб фермер хўжаликлари эришаётган меҳнат муваффақиятлари вилоятимиз бўйлаб оғиздан-оғизга тушмоқда. Улар билан суҳбатлашсангиз, ютуқларининг бош омили Истиқлол йилларида юз очган эмин-эркинлик, меҳнатнинг қадр топаётгани ва рағбат кўраётганида эканлигини эътироф этишади.

Ислоҳотлар самараси ўлароқ барқарор ривожланаётган фермер хўжаликларидан яна бири Янгийўл туманидаги «Ал-Абдуҳолиқ»дир. Хўжалик 2004 йилда тугатилган ширкат заминида ташкил этилган. Кейинги йилларда тумандаги «Озод» ширкати иқтисодий инқирозга учраб, сурункасига зарар кўраётган хўжаликлардан бирига айланиб қолганди.

— Ўша кезлари ғаллачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам ҳосилдорлик пастлашиб кетган эди, — деб эслайди фермер. — Ваҳоланки, ерга ва меҳнатга алоҳида меҳр билан ёндошилса, агротехник тадбирлар вақтида, талаб даражасида олиб борилса, деҳқонлар меҳнати ҳам ўз ўрнида рағбатлантириб турилса, айнан шу заминда ҳам салмоқли натижаларга эришиш мумкинлигига ишонардик. Қонуний ер эгаси бўлгач, фаолиятимизнинг дастлабки йилиёқ бунга эришдик ҳам. Очиғи, ишлайман деганга имконият кўп экан. Турмуш тарзимизни, дунёқарашимизни кескин ўзгартириб, давр ва замон билан ҳамнафас яшашга чоғлаган миллий мустақиллигимиз билан ҳар қанча ғурурлансак, фахру ифтихор туйсак арзийди.

Дарвоқе, ҳозир буғдойзорларимизда ризқ-рўзимиз йиғиштирилаётган пайт. Бу мавсумда ҳам анъанага кўра, фермерларимиз ишончни оқлаб, бирин-кетин зиммаларидаги давлат буюртмаларини ортиғи билан адо этишмоқда. Қувонарли жиҳати, улар ҳосилдорликни режада белгиланганидан камида 10-15 центнер оширишга муваффақ бўлмоқдалар.

— Ҳосилдорлигимиз 41 ўрнига 60 центнерга етди, — дейди Оққўрғон туманидаги «Илҳом» фермер хўжалиги раҳбари Илҳом Турғунбоев. — Қарамоғимиздаги 16 гектар ғаллазордан салкам 100 тонна ҳосил йиғиштиришга муваффақ бўлиб, шартнома режасини туманимизда биринчи бўлиб бажарганимиздан ғоят мамнунмиз.

Бўкалик фермер Абдуғани Толипов ҳам ўрим мавсумида илғорлик қилди. У давлатга 63 тонна буғдой топшириб, шартномани уддалади ва режадан ортган салкам 50 тонна буғдой фойдага қолди.

Бир сўз билан айтганда, бугун фермерларнинг қўли баланд келмоқда. Улар ўзлари учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар масъулиятини аниқ ҳис этиб, она заминимиз, эл-юртимиз ризқ-насибаси тақдирига бефарқ қарамайдилар. Бундан ўзлари ҳам, эл-юрт ҳам баб-баравар манфаат кўриши шубҳасиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**







*СУРАТЛАРДА: «Илҳом» фермер хўжалиги раҳбари Илҳом Турғунбоев ғаллазорда; хўжалик сувчиси Тошмамат Оққулов ғўзага сув тараш пайтида; Тошкент туманидаги «Навоий миришкор» агрофирмаси фермерлари (чапдан Адҳам Исломов ва Обид Содиқовлар) туман хирмонига муносиб ҳисса қўшишмоқда.*

**Пардавой ЭРГАШЕВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ҲАМКОРЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛИ

**15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей саммити бўлиб ўтади.**

ШҲТнинг бу галги олий даражадаги учрашуви айнан Шанхай шаҳрида ўтказилишида катта рамзий маъно бор. Беш йил муқаддам айни мана шу шаҳарда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чеккан эдилар.

Ташкилотнинг босиб ўтган йўли унинг фаолияти нечоғли самарадор кечаётганлиги ҳақида яхши тасаввур беради. Янги аср бўсағасида халқаро майдонда кўп ўзгаришлар рўй берди. Евроосиёда, айниқса, Марказий Осиёда геосиёсий вазият кескин ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўша даврда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон томонидан чегаравий масалаларни ҳал қилиш учун тузилган «Шанхай бешлиги» номли тузилма фаолият кўрсатар ва ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қараганда, бу ташкилот асосий вазифасини асосан бажариб бўлган эди.

Бундай шароитда очиқ ва самарали алоқалар механизмини сақлаб қолиш ва янги йўналишлар билан бойитиш аъзо давлатлар олдида янги имкониятларни очиши муқаррар эди. Шу билан бирга, минтақавий ташкилот ўз сафига Ўзбекистонни бирлаштирмаса, унинг тўла қувват билан ишлаши қийинлиги ҳам аён эди. Аввало, Ўзбекистон минтақамизнинг барча мамлакатлари билан бевосита чегарадош. Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳияти, жумладан, транспорт коммуникациялари ва табиий захиралари, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги муҳим ўрни янги ташкилотга аъзо давлатлар учун катта аҳамият касб этарди. Айни пайтда бу ташкилот Ўзбекистон учун ҳам талай янги имкониятларни очиб берарди.

Шу тариқа, 2000 йилнинг ёзида Президент Ислом Каримов «Шанхай бешлиги»нинг Душанбе саммитида иштирок этди ва амалда ўша учрашувда бу тузилманинг мақомини кўтариш ва шаклини ўзгартиришга келишиб олинди. 2001 йилнинг 15 июнида эса Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расман асос солинди.

Эътиборли томони шундаки, илк саммитда ШҲТнинг таъсис ҳужжати билан бирга, ТерроРчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция ҳам имзоланди. Бу АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган воқе-

(Давоми 2-бетда).

## ОРОМГОҲ ЎЗ БАҒРИГА ОЛДИ

**Паркент туманидаги «Сумча» оромгоҳида ёзги дам олиш мавсуми очилди.**

Шу муносабат билан Хоразм, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги меҳрибонлик уйларининг жами 500 нафар тарбияланувчилари 18 кун давомида мароқли дам олиб, соғлиқларини тиклашади. Турли тўгаракларга қатнашиб, вақтларини мазмунли ўтказишади. Бунинг учун оромгоҳ ҳудудида барча шароитлар муҳайё қилинган.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

*Фуқаролар йиғинларида сайлов*

## ОҚСОҚОЛГА ҚАЙТА ИШОНЧ БИЛДИРИШДИ

**Келес шаҳридаги Қорасарой маҳалласида 2 минг 600 дан зиёд аҳоли 536 оила бўлиб, тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.**

Маҳалла янги ташкил топган кези Турғун Мирзаев оқсоқолликка сайланганди. Ўтган даврда талайгина ишлар амалга оширилди. Қишлоқ аҳолиси учун қулай маданий шароит яратиш мақсадида Рихсибоевлар хонадони 500 ўринга мўлжалланган «Неъмат ота» тўйхонасини қуриб берди. Истиқлол, Мустақиллик, Янгиобод, Нуроний кўчаларига 2 километрдан узунроқ масофада ичимлик суви қувурлари тортилиб, эҳтиёж тўла қондирилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида оқсоқол ижобий ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган айрим муаммолар хусусида ҳам тўхталди. Жумладан, маҳалла ҳудудидан пойтахтнинг Чорсу ва Пахтакор майдони оралиқларида транспорт қатновини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, коллеж ҳудудига олиб борувчи йўлнинг эскирганлиги нафақат аҳоли, балки, талабалар учун ҳам турли қийинчиликлар туғдираётганлиги боис, кўчанинг чамаси 700 метр оралиғидаги асфальт йўли қайта таъмирланиши керак.

Оқсоқол олиб бораётган изчил фаолият фуқаролар томонидан қониқарли деб топилди. Турғун Мирзаев маҳалла фуқаролар йиғини раислигига яна қайта сайланди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ТРИАТЛОНЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Чирчиқ шаҳрида триатлон бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунланди.**

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ташкил этган беллашувда бир юз ўттизга яқин спортчи сузиш, велосипед пойгаси ҳамда югуриш бўйича куч синашди.

Ёшлар ўртасидаги шахсий биринчиликда пойтахтлик И. Надиршин, А. Литвинов ғолиб деб топилди. Эркаклар ўртасида А. Михеев, аёллар ўртасида эса А. Сафинова биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Умумжамоа ҳисобида майдон эгалари биринчи, пойтахтликлар иккинчи ўринни қўлга киритди. Сурхондарё вилояти вакилларига учинчи ўрин насиб этди.

**ЎзА.**

**10-12 июнь кунлари Қарши шаҳрида II Республика хотин-қизлар спартакиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

## МАЙДОНДА — МАЛИКАЛАР

Ўзининг 2700 йиллигини нишонлаётган Қарши шаҳрида ўтган ушбу мусобақалар Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу спорт анжуманида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган аёллар спортнинг волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш ва синхрон сузиш турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Спартакиада иштирокчилари нафақат чемпионлик, балки чиниқиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун ҳам астойдил беллашдилар. Мусобақалар мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантиришга берилаётган улкан эътибор ўз самарасини бераётганини яна бир бор тасдиқлади. Буни спартакиада кунлари кўплаб рекорд кўрсаткичлар қайд этилганидан ҳам билса бўлади.

Мусобақаларда волейбол бўйича Тошкент шаҳри, стритболда Навоий вилояти, шашкада Фарғона вилояти вакилалари пешқадамлик қилган бўлса, енгил атлетикада — пойтахтимиз ва Фарғона вилояти, стол теннисида Тошкент ва Бухоро вилоятлари, сузиш бўйича Тошкент шаҳри спортчилари муваффақият қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — "Дамас" автомобиллари спартакиадага энг яхши тайёргарлик кўрган Тошкент шаҳри, мусобақаларни юқори даражада ташкил этган Қашқадарё вилояти, хотин-қизлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилган Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларига топширилди. Шунингдек, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Чироқчи туманидаги 37-махсус мактаб-интернат ва Қамаши туманидаги Меҳрибонлик уйига ҳам "Дамас" автомобиллари берилди.

**ЎзА.**

*Бир хат изидан*

## КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?

**Сўнгги вақтларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ва тўловлар масаласи хусусида газетамизда қатор мақолалар чоп этилаяпти. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур чиқишлар газетхонларимиз эътиборидан четда қолмаётир. Жойларда юз бераётган чалкашликлар ҳақида таҳририятга жойлардан хатлар кела бошлади.**

Яқинда Оҳангарон тумани Қорахтой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдужаббор Абдужалолов имзоси билан хат олдик. Куюнчаклик билан ёзилган мазкур хатда шундай жумлалар бор: «Қишлоғимизда 2577 хонадон мавжуд. Уларнинг ҳар бири кунига ўртача 3-5 киловатт электр қуввати ҳамда газ ишлатади. Бизнинг ҳисобимиз бўйича қишлоқдагилар бир ойга электр қуввати учун 7 миллион, газ учун 4 миллион сўм атрофида маблағ тўлаши керак. Коммунал идоралар эса ҳар ойда 50-60 миллионлаб қарз ёзишади. Улар бу қарзларни қаердан олишмоқда, ўзи? Биздаги энг катта муаммо тизимда аниқ ҳисоб-китобнинг мавжуд эмаслигида».

Биз хатда баён этилган муаммоли вазиятга бевосита жойига бориб, аниқлик киритиш мақсадида туманда бўлиб қишлоқ фуқаролар йиғини, газ ва электр идораларида бўлдик.

Бугунги кунда Қорахтой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 15 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг қарийб 98 фоиз қисми электр қуввати ва табиий газдан фойдаланади.

— Коммунал тўловлар дейилса, асаблар қақшайдиган бўлиб қолди, — дейди йиғин раиси Абдужаббор Абдужалолов. — Коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ёрдам бўлиши учун вақтимизнинг 30-50 қисмини шу ишларга сарфлаяпмиз. Лекин қанча саъй-ҳаракат қилмайлик, қарзлар камаймаяпти. Ишлатилмаган газ ёки электр учун ҳақ тўлашни ким

(Давоми 2-бетда).

*Қишлоқ мулкдорлари*

# ТОШЛОҚДА БИТГАН ОЛМА

**Тошкент — Ўш магистралидан бориб, Оҳангарондан ўтилгач, Нурободга кираверишда катта ўрикзору токзорларга кўзингиз тушади. Илгарилари бу ерлар паст-баланд тошлоқ жойлар эди. Илк баҳор кезлари кўм-кўк майсалар, гулларга қопланарди-да, жавзо келиши билан қуриб, яйдоқ, кўримсиз тусга кирарди.**

Ҳаётининг кўп қисмини қурилиш ташкилотларида меҳнат билан ўтказган Саттор Сорибоев Мустақилликнинг дастлабки йилларида шу жойларда боғ барпо этишга киришди. Охунбобоев номли давлат хўжалигининг раҳбарлари бу таклифни маъқуллаб, қўллаб-қувватлашди. Сорибоевлар бу ишга кўп куч, жамики маблағларини сарфлашди. Катта йўлнинг икки четидаги ерларни маромига келтириб текислашди, кўчатлар экишди. Неча замонлардан буён қаровсиз қақраб, инсон меҳнатига ташна бўлиб ётган ерлар яшнаб кетди. Икки-уч йил ўтиб, боғлар ҳосилга кирди. Сархил ўрик, олма, узум ва бошқа ноз-неъматлардан оила аъзолари қатори қишлоқ аҳолисию меҳмонлар ҳам баҳраманд бўла бошлашди. Тиниб-тинчимас Саттор Сорибоев раҳбарлигидаги «Қаҳрамон» боғдорчилик-фермер хўжалиги шу тариқа йил сайин мустаҳкамланиб борди.

— Фарзандларимнинг келажагига ишонч билан қараб, фермер хўжалигимизга неварамнинг фамилиясини берганман, — дейди кекса боғбон. — Бу йил ширкат хўжалигимиз тугатилаётганида яна 37 гектар ер олдик. Унинг 12 гектарида буғдой, қолган майдонларда сабзавот етиштирмоқдамиз.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кекса фермер қишлоқдан ўтган темир йўл бўйида бекат барпо этишга ташаббускор бўлди, шу қурилиш учун 500 минг сўм маблағ ажратди. Бу ташаббусни Янги Ангрен ИЭСи раҳбарлари қўллаб-қувватлаб, қолган сарф-харажатларни корхона ҳисобидан тўлашди. Натижада, бекат қурилиши қисқа муддатда битказилди. Энди йўловчи поездлар Охунбобоев бекатида тўхтаб ўтаяпти.

Буюк ипак йўлининг икки бети бугун катта боғ. Шу кунларда оқ-сариқ ўриклар, қип-қизил олмалар ғарқ пишган. Бу — дашт бағрида боғ яратган Саттор Сорибоев, унинг меҳнаткаш фарзандлари ғайрат-шижоатининг самараси.

**Ўрозгул ХОЛБОЕВА,**
**Оҳангарон тумани.**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛИ

...алардан уч ой аввал рўй берди. Яъни, ШҲТ халқаро миқёсда биринчи бўлиб терроррчиликка қарши ҳамкорликда қатъий зарба беришга қарор қилган ташкилот бўлди.

2002 йилнинг июлида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган саммитда ҳамкорликнинг мақсадлари, тамойиллари ва йўналишларини ўзида акс эттирган ШҲТ Хартияси қабул қилинди ва ташкилотнинг халқаро-ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди. Мазкур саммитда Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Котибиятни тузиш борасида ҳам келишувга эришилди.

2003 йил майда Москвада ўтган саммитда ташкилот фаолияти механизмларини такомиллаштириш тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилинди. Хитой вакили Чжан Дэгуан ШҲТнинг Ижрочи котиби этиб тайинланди. Шу йили Хитойда ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтган учрашувда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди.

2004 йилнинг январида Пекинда ШҲТ Котибиятининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Июнь ойида эса ташкилотнинг саммитига Ўзбекистон мезбонлик қилди. Унда ташкилотнинг Тошкент декларацияси қабул қилинди, пойтахтимизда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини очдилар.

ШҲТ қисқа вақтда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Аввало, ҳамкорликка доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди, ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди, алоқаларнинг синалган механизми қарор топди.

Шу билан бирга, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик самарадорлиги ошиб бормоқда. Бу бутун ШҲТ маконида барқарорликни мустаҳкамлаш, таҳдидларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан доимий ахборот алмашиб борилаётганини, қўшма аксилтеррор машқлари ўтказилаётганини, терроррчилик ташкилотларининг ягона умумий рўйхати тузилаётганини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда.

Ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани ҳам диққатга сазовор. Қатор давлатлар у билан ҳамкорлик қилиш, ташкилот сафига қўшилиш истагини билдирмоқда. Мўғулистон, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон унда кузатувчи мақомини олган. ШҲТ БМТ, АСЕАН, МДҲ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби халқаро ва минтақавий тузилмалар билан расмий алоқа ўрнатган.

Ташкилотнинг нуфузи ошишига унинг очиқлиги, бошқа давлатларга қарши қаратилмаганлиги ҳам муҳим ўрин тутади. ШҲТ ташқи алоқаларда хавфсизликнинг янги концепциясига; ички ҳамкорликда «Шанхай руҳи»га таяниб иш тутади. Аъзо давлатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти, маданияти ўртасида фарқлар бўлишига қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мулоқотлардаги тенг ҳуқуқлилик, тараққиётга биргаликда интилиш — «Шанхай руҳи»нинг асосий таркибий қисмлари ташкилотни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ШҲТнинг галдаги саммити ҳам ана шу руҳда ўтишига шубҳа йўқ. Барча аъзо давлатлар унга пухта ҳозирлик кўрди. Саммитда давлатлар раҳбарлари беш йиллик ҳамкорлик натижаларини кўриб чиқиши, халқаро майдондаги ва ШҲТ минтақасидаги вазиятни таҳлил этиши, ташкилотни янада ривожлантириш йўлларини муҳокама этиб, ҳамкорлик кўламини ҳар томонлама кенгайтириш чораларини ишлаб чиқиши кутилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистларига берган интервьюсида таъкидлаганидек, "юбилей саммити, бизнингча, янги очилаётган имкониятлардан биргаликда янада унумли фойдаланиш, ҳозирги замон таҳдид ва хавф-хатарларига қарши биргаликда янада самарали курашиш жараёнига асос солади".

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## МЕҲНАТДАН КЕЛГАН ШАРАФ

**Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида Тошкент вилояти илғор пиллакор аёлларининг меҳнатини шарафлашга бағишланган кеча бўлиб ўтди.**

Уни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирга Тошкент вилоятининг илғор пиллакор аёллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллари таклиф этилгани бежиз эмас. Улар учун бебаҳо миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ғояси билан йўғрилган қизиқарли томошалар намойиш этилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**





# ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

**Ангрен шаҳрида кенг кўламда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти.**

Аҳолига турли хизматлар кўрсатувчи янги-янги иншоотлар қурилмоқда. Бу ишда хусусий тадбиркорлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Жумладан, тадбиркор Мирзаабдулла Аҳмедов енгил автомобиль эгаларига ҳар томонлама сифатли техник хизмат кўрсатувчи корхона барпо этмоқда. Шаҳарнинг 5/3 даҳасида бунёд этилаётган бу автохизмат иншоотида ҳозир пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. У яқин кунлар ичида фойдаланишга топширилгач, ангренликларнинг яна 20 нафари иш билан таъминланади.

*СУРАТЛАРДА: автотеххизмат корхонаси биноси; қурувчи Шамсиддин Масандов иш устида.*

**Даврон АҲМАД**
**олган суратлар.**

*Бир хат изидан*

# КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?

...ҳам хоҳларди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида қарздорликни бартараф этиш мақсадида 18 кишидан иборат штаб тузилган бўлиб, унинг таркибига йиғин раисидан тортиб маҳалла оқсоқоллари, ҳудуддаги мактаб директорлари бириктирилган. Шу кунгача ўтказилган штаб йиғилишларида қарздорликни бартараф этиш чора-тадбирлари, мавжуд хато-камчиликлар хусусида фикр юритилмоқда. Мактаб ўқитувчилари ёрдамида эса мониторинг ўтказилаяпти. Улар уйма-уй юриб, алоҳида тутилган дафтарга оилаларнинг яшаш аҳволи, коммунал қарздорлиги, ҳисоблагич кўрсаткичлари, охирги марта қачон ҳақ тўланганлиги ҳақидаги маълумотларни қайд этиб боришмоқда. Бу ишлар масъулларнинг анча вақтини олсада, қарздорлик бўйича аниқ маълумотга эга бўлинмоқда. Лекин шунга қарамай, коммунал хизмат кўрсатувчилар томонидан тақдим этилаётган рўйхатдаги рақамлар билан мониторинг натижалари умуман бир-бирига тўғри келмаётганлиги кишини ажаблантиради.

— Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун аниқ далил келтирмоқчиман, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Ҳафиза Каримова. — Хонадонимизда ишлатилган электр ва газ учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш анъанага айланган. Шундай бўлса-да, «қарздорсиз» деб эшик қоқиб келаверишади. Мана яқинда электр қуввати учун 39 минг сўм қарз деб рўйхатга киритиб қўйишибди. Электр идорасига ҳақиқатан ҳам қарздорлигимизни билиш учун бордим. Ажабо, ҳеч қандай қарзи йўқ деб ёзилган маълумотномани қўлимга тутқазишди. Буни қандай тушуниш мумкин, ахир?!

Йиғиндагилар бизга электр идораси томонидан тақдим этилган иккита рўйхатни кўрсатишди. Уларни бирма-бир кўздан кечириб, анчайин чалкашликларга йўл қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Мисол учун бу рўйхатларда 24 та хонадон соҳибларининг умумий қарзи 9 миллион 263 минг сўм эканлиги кўрсатилган. Қишлоқ фуқаролар йиғини бу қарзларни тасдиқловчи маълумотнома талаб қилганда, у ердагилар фақат бир кишининг, яъни абонент дафтарининг рақами 148674 бўлган Ғани Мергановнинг қарзи 931 минг 830 сўм деб маълумот беришган. Аслида эса унинг қарзи атиги 3300 сўм экан. Бу каби «айбсиз айбдорлар»ни кўплаб келтириш мумкин.

— Мана шу нарса ишимизда талай чалкашликларни келтириб чиқармоқда, — деди А. Абдужалолов. — У ердагилар истаган кишиларни қарздор қилиб қўйишади, хоҳлаганидан қарзини олиб ташлашади. Бу соҳада бундай масъулиятсизлик билан иш юритиб бўлмайди-ку.

Биз вазиятни холисона баҳолаш мақсадида электр ва газ идоралари раҳбарлари билан учрашдик.

— Ҳозирги кунда электр энергиясидан ушбу ҳудудда 917 та абонент фойдаланмоқда, — деди электр тармоқлари бошлиғи Кўчқор Толипов. — Уларнинг умумий қарзи 8,5 миллион сўм. Демак, улар айтганчалик 50-60 миллион сўм қарз ёзаётганимиз йўқ. Рўйхат масаласига келсак, уларнинг иккиси ҳам бир йил олдинги, шу боис чалкашликлар йўқ деб айта олмайман. Мисол учун фуқаро февраль ойи учун электр ҳақини тўлади, лекин унинг январь ойидаги қарзи ўртада қолиб кетади. Компьютердаги дастур эса ойма-ой ҳисоблаб борганда февралдаги тўлов у ерга кирмай қолади. Тўғри, бизда ҳам айб бор. Чунки, компьютерларимизда ҳисоб-китоблар учун ўрнатилган дастурлар ҳали мукаммал даражада эмас. Ушбу хато ва камчиликларни бартараф этиш учун ҳаракат қиляпмиз.

Тўғриси, раҳбарнинг гапидан ҳайратда қолдик. Идорадагилар хато-камчиликка йўл қўяди-ю, нима учун жабрини оддий фуқаро чекиши керак? Абонентнинг иши — газ, электр ҳамда сувдан фойдаланиш, уйига ўрнатилган ҳисоблагичдаги рақамлар бўйича хизмат ҳақини тўлашдан иборат эмасми, ахир? Электр идорасидаги ҳисоб-китоб дастурлари мукаммал даражада ишламаса, мижознинг айби нима?

— Қорахтой қишлоғи бўйича аниқ қарздорлик кўрсаткичларини айта олмайман, чунки, айни пайтда инвентаризация жараёни бормоқда, — деди «Оҳангаронгаз» филиали директори Дилмурод Файзиев. — Бундай чалкашликлар кўп бўлаётганлигининг сабаби хонадонларда ўрнатилган ҳисоблагичларнинг аниқ ҳисобини ололмаётганимизда. Чунки, бир ойда уларни 100 фоиз текшириб чиқа олмаймиз. Ўнта хонадонга борсангиз, тўрттасида одам бўлмаслиги мумкин. Кечгача уларнинг эшиги тагида ўтирмаймизку. Бу каби муаммонинг келиб чиқишига ҳисоблагичлар ҳар икки йилда бир марта давлат назоратидан ўтказилмаслиги ҳам сабаб бўлаётир. Уларнинг аксарияти 1999-2000 йиллардан буён давлат текширувидан ўтказилмай ишлаб келмоқда. Муддати ўтганидан кейин уларнинг ичидаги қисмлари яроқсиз ҳолга келиб қолади, ишдан чиқади. Айрим хонадонларда газ плитасининг тўртта нуқтаси ёқиб қўйилса ҳам ҳисоблагичи қилт этмай тураверади. Шу сабабли умумий тариф бўйича ҳақ талаб қилинади.

Раҳбарнинг сўзлари бир қатор саволлар туғдиради. Ажабо, ҳисоблагичларни вақтида текширувдан ўтказиб туриш кимнинг вазифаси? Агар бунга фуқаролар масъул бўлса газ идорасида шу масалага бириктирилган ходимларга нима иш қолади? Аҳоли кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўласинми ёки ҳисоблагичини кўтариб идорама-идора юрсинми? Ҳисоблагичлар 5-6 йиллаб назоратдан ўтказилмаётган экан, бунинг учун фуқарони айблаш ўринли бўлармикин?

Газ тармоғи бошлиғининг айтишича, яқин кунларда идора қошида ҳисоблагичларни стандартлаштириш ва текширувдан ўтказиш ҳудудий бўлими очилиши режалаштирилган. У Оҳангарон тумани ва шаҳри, Ўртачирчиқ тумани, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари учун ҳам хизмат кўрсатади. Бўлим ишга тушса, ҳисоб-китоб тизимидаги мавжуд чалкашликларнинг олди олиниши, югур-югурлар, оворагарчиликларга чек қўйилиши кутилмоқда.

Қанийди режалар амалга ошса-ю, мавжуд хато ва камчиликлар ўз ечимини топса. Ана шунда кераксиз асаббузарликлар, ҳужжатлардаги чалкашликлар бартараф этилган бўлар эди. Фуқаролар ҳам ортиқча ташвиш чекмай, газ ва электр ҳақини вақтида тўлаб, тинчгина, ҳаловатда яшардилар.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*«Обуна — 2006»*

## БИР КОРХОНАДА ЮЗДАН ОРТИҚ

***Олмалиқ кон-металлургия комбинати тасаруфидаги кон бошқармасида шу йилнинг иккинчи ярмига вақтли нашрларга обуна мавсуми уюшқоқлик билан ташкил этилди.***

— «Қизил олма», «Кўчбулоқ», «Қизилқум», «Семғурон» участкалари ҳамда олтин саралаш фабрикасида жами икки мингдан зиёд киши меҳнат қилади, — дейди кон бошқармаси бошлиғи Ҳожиакбар Ризаев. — Айни вақтда мавсумнинг муваффақиятли ўтишига доир тарғибот ишлари олиб борилаяпти ва шу жараёнда ишчи-хизматчиларнинг ихтиёрий обуна бўлиш ҳақидаги аризалари қабул қилиб олинаяпти.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг ўзига ҳар бир участкада 18-20 тадан обуна ташкил этилаётгани қувонарли.



***СУРАТДА:** кон бошқармасининг бир гуруҳ вакиллари «Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони билан танишмоқдалар.*

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА**
**олган сурат.**


# ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Зангиота тиббиёт коллежи 2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

## ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**1.** «Ҳамширалик иши» йўналиши — умумий амалиёт ҳамшираси мутахассислиги.

**2.** «Даволаш иши» йўналиши — умумий амалиёт фельдшери мутахассислиги.

**3.** «Ортопедик стоматология» йўналиши — тиш техниги мутахассислиги.

**Ўқишга кирувчи абитуриентлар «Маслаҳат маркази»га қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

1. Белгиланган шаклдаги таълим муассасаси раҳбари номига ёзилган ариза;
2. Рейтинг бали кўрсатилган маълумоти тўғрисида ҳужжатнинг асл нусхаси;
3. Ҳудудий касб-ҳунар йўналиши ва психологик-педагогик ташҳис маркази тавсияномаси;
4. Доимий яшаш жойидан маълумотнома;
5. 086-У шаклида тиббиёт маълумотномаси;
6. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
7. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси).

**Коллежда ўқиш муддати 3 йил.**

**Манзилимиз:** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини, Шифокорлар кўчаси. Тел.: 130-20-80.

**Мўлжал:** ДАТК «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг санаторий-профилакторийси ёнида.

235, 237, 454, 461, 471, 480-сонли маршрут такси, 182, 190, 238, 4- автобус.


**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жўраев бошчилигидаги қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Буюк Британия сафарида бўлиб қайтди.**

Ўзбекистон — Буюк Британия:

# ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ундан кўзланган асосий мақсад чорвачилик ва ветеринария соҳасида тажриба алмашиш ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олиш билан изоҳланади.

Ҳамюртларимиз Буюк Британиянинг Қироллик ветеринария институти, Ҳайвонлар соғлиғини сақлаш институти, Ветеринария лабораторияси агентлиги фаолияти билан танишишлари баробарида қатор фермер хўжаликларида ҳам бўлишди.

Сафар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Буюк Британия Қироллик ветеринария институти ўртасида ҳайвонлар соғлиғини сақлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш юзасидан ўзаро тушуниш меморандуми имзоланди.

**«Жаҳон» АА.**

*Бугуннинг гапи*

# СОМОННИ ЁҚҚАН ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

**Вилоятимизда ғалла ўрими авж паллага кирди, ҳосилдан бўшаган ерларни такрорий экин экиш учун шудгорлаш керак. Айрим фермер хўжаликлари ва ширкатлар раҳбарлари эса вақтдан ютиш учун сомонни йиғиштириб олмасдан уни жойида ёқиб юборишга одатланишган.**

Бу эса ҳам атроф-муҳитга, ҳам экин майдонларига катта зарар етказади. Яъни, тупроқ таркибида гомус ҳосил қилувчи фойдали микроорганизмлар, қурт-қумурсқалар нобуд бўлади. Шу билан бирга далалар четидаги дарахтлар ҳам қаттиқ зарарланади.

Сомонни ёқиб, табиатга катта зарар келтиришнинг олдини олиш учун экологлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Табиатга бундай зарар келтираётганларга нисбатан турли жазо чоралари ҳам кўрилмоқда. Шунга қарамай, сомонни ёқиш давом этаяпти. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг инспекциялари томонидан ўтган йили жами 153 та ана шундай ўзбошимчалик қайд қилинди. Уларга 350 минг сўмликдан ортиқ жарима солинди ва ундириб олинди. Дала четида ўсиб турган дарахтларнинг зарарланишига олиб келган 15 та қонунбузарлик бўйича айбдорлардан 1 миллион сўмга яқин товон тўловлари ундирилди. Чунончи, Қуйичирчиқ туманидаги «Бобирбек Баҳодир ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Б. Қўчқоров сомонга ўт қўйганида кўплаб тут дарахтлари нобуд бўлди. Шу туманнинг «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги раҳбари Ш. Тожибоевнинг шундай айби билан ҳам дала четларидаги 86 туп тут дарахти куйиб кетди. Бундай ҳодисалар Янгийўл туманидаги собиқ Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалиги раиси В. Умрзоқов айби билан ҳам содир бўлган. Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ туманлари фуқаролари Ш. Ғоипова, М. Ҳасанов ва А. Отақулов ҳам далада йиғиштириб олинмаган сомонни ёқиб юборганликлари учун жаримага тортилдилар.

Бу йилги ғалла ўрим-йиғими мавсумида бундай тартиббузарликларга қатъий чек қўйиш учун жойлардаги мутасадди ташкилотлар ходимлари, ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбар ва мутахассислари олдиндан барча зарур чораларни кўриб қўйишлари лозим.

**Абдумуталлиб АБДУҲОЛИҚОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлиги бошлиғи.**

**Бугунги кунни, иқтисодиёт ва маданиятнинг ҳар бир соҳасидаги тараққиётни энергетикасиз, хусусан, электр қувватисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар тонг гувиллаб ишлаб турган иссиқлик электр станциямиз дарвозасидан кириб борар эканман, буни ҳамиша чуқур ҳис қиламан.**

# ИМТИЁЗЛАР ОЗ ЭМАС

Мамлакатимизнинг мана шу улкан нурхонасида ўн йиллаб тинимсиз меҳнат қилаётган фахрий энергетик Галина Андреевна Баталова, кимё цехидан Зулхумор Маматова, ёқилғи узатиш цехидан Дилбархон Аюпова, Раиса Халилова сингари тажрибали ходимларимиз бугун корхонамизнинг фахри ҳисобланишади.

Кейинги йилларда электр станциямиз мутахассислари ва ходимларининг сафи ёш мутахассислар билан бойимоқда. Бизга олий ва ўрта махсус техника ўқув юртларини битирган кўплаб йигит-қизлар ишга келишаяпти. Муҳандис-энергетик Беҳзод Умрзоқов машина-блоклар ҳаракатини кузатувчи сифатида иш бошлаб, катта машинист даражасига кўтарилди. Асатулла Аширов, Темур Ҳасанов, Анвар Парпиев, Сирож Шодиев сингари ёш мутахассислар ҳам жамоамиз аъзолари сафидан муносиб ўрин эгаллашаётир. Ўз касбига меҳр қўйган, ҳар бир топшириқни пишиқ-пухта бажарувчи ғайратли ва изланувчан бу ёш мутахассислар нурхонамиз жамоасининг анъана ва қадриятларини бойитиб боришаяпти.

Маъмурият ва касаба қўмитаси нурчиларнинг меҳнат ва маиший турмуш даражаларини кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтиришаётир. Корхонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлигимизнинг барча мақсад ва вазифалари жамоа шартномасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, ҳар бир ходим меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини кўтариш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун техника хавфсизлигига оғишмай риоя қилиб ишлашдан манфаатдор. Умуман, техника хавфсизлигини таъминлаш мақсадларига сарфланаётган маблағ сўнгги бир йилда 40 миллион сўмга кўпайиб, 161,8 миллион сўмга етди.

Ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш жамоа шартномасига кўра хилма-хил йўналишларни қамраб олади. Чунончи, меҳнат таътилига чиқиш чоғида ҳар бир ходимга ҳеч истисносиз моддий ёрдам пули тўланади. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишувга биноан иш жойлари шаҳодатлаб борилади. Махсус иш кийимлари ва пойабзал билан таъминлаш учун маъмурият маблағни аямаётир. Зарарли иш шароитларида меҳнат қилаётган ходимларимизни эса сут маҳсулотлари билан таъминлаймиз.

Меҳнат шартномасига кўра, икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлган аёллар меҳнат таътилига чиқишаётганида уч кун ҳақ тўланадиган қўшимча вақтдан фойдаланадилар. Бундан ташқари 14 кунлик ҳақ тўланмайдиган, айрим кунлари — фарзандлари биринчи синфга чиқаётганида ҳам бир кунлик ҳақ тўланадиган таътил олишлари мумкин. Ҳомиладорлик таътили чоғида шароитига қараб аёлларга моддий ёрдам ҳам кўрсатилади. Тўрт ва ундан ортиқ фарзанд тарбиялаётган аёл ишчиларимизнинг ҳафталик иш вақти бир соатга қисқартирилган.

Бундай имтиёзлар оз эмас. Ҳатто, оилада фарзанд дунёга келса, ота-га ҳам бир кунлик ҳақ тўланадиган таътил берамиз. Ёш ходимларимиз турмуш қуриш чоғида уч кунлик шундай таътилдан фойдаланишади.

Бу ишларнинг ҳаммасида, айниқса, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, касб малакасини оширишда цех касаба қўмиталарининг ўрни алоҳида. Назира Шарипова, Искандар Нишонов, Александр Ким, Анарбой Аҳмедов сингари фаолларимиз, хотин-қизлар қўмитаси раисаси Мавлуда Темирбекова сингари жонкуяр инсонлар ҳар бир ишда бош-қош. Уларнинг тиниб-тинчимаслиги, эътибори корхонамизда меҳнат ва технологик интизомни мустаҳкамлаш, техника хавфсизлиги яхшиланиб боришида катта ўрин тутади.

Ишчиларимизнинг соғлиғини сақлаш ва уларни дам олдириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳам диққат-эътиборимизда. Шифокорларнинг тавсияларига қараб, ходимларни «Ботаника», «Чортоқ», «Чимён» санаторийларида соғломлаштириш учун ҳар йили катта миқдорда маблағ сарфланади. Чунончи, ўтган йили ходимларимиздан 88, шу йилнинг беш ойида эса 53 кишига имтиёзли йўлланмалар берилди. Икки собиқ байналминалчи жангчи эса бу йўлланмаларни бепул олишди. Бундан ташқари ҳар ойда ўртача 10-15 ходим энергетикларнинг Фарғонадаги «Нурафшон» сиҳатгоҳида дам олиб келишади. Масалан, фақат май ойининг ўзида 22 ишчи-хизматчимиз шу сиҳатгоҳда соғлиғини тиклаб келди. Кимё цехининг лаборанти Озода Рисқиева, ёқилғи узатиш цехида поезд тузувчи Мурод Маликов, техника хавфсизлиги бўйича нозир Тамара Доришева шулар жумласидандир. Электр цехининг катта мастери, ёшларнинг тажрибали мураббийи Гулнора Асанова эса, таътилни «Ботаника» сиҳатгоҳида ўтказди.

Бу саъй-ҳаракатлар меҳнат жамоамизда касаба қўмитасининг нуфузини оширмоқда. Ташкилотимиз қуйи бўғинлари — цех касаба қўмиталари, касаба гуруҳлари, шунингдек, кўпсонли фаолларимиз қонун устуворлигига эришиш учун курашиб, энергетикларнинг меҳнат ва маиший турмуш шароитлари муттасил яхшиланиб боришига салмоқли таъсир кўрсатмоқдалар.

**Ирода МАДАРОВА,**
**«Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси.**

*Мутахассис фикри*

# ТАРБИЯ МАВСУМ ТАНЛАМАЙДИ

**Ёз — фарзандларимиз мириқиб дам оладиган, табиат неъматларидан баҳраманд бўлиб, маънавий ва жисмоний камол топадиган палла. Бу даврда, айниқса, болалар оромгоҳларида олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти катта.**

Тарбиячилар, етакчилар ва ташкилотчилар мавсум бошланишидан анча илгари танланиб, оромгоҳда олиб бориладиган тарбиявий ишлар дастури билан таништирилдилар. Шу асосда улар ўз амалий иш режаларини тузиб олмоқдалар.

Оромгоҳга келишлари билан болалар аниқ ва мақсадли маънавий-тарбиявий, оммавий-маданий ва спорт тадбирлари билан қамраб олиниши ниҳоятда фойдали. Тадбирлар оромгоҳ ва атроф қишлоқлар билан танишиш, тоғ ёнбағирларига бир кунлик саёҳатлар уюштириш, «Умид ниҳоллари» дастури бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш, касб байрамларини нишонлаш, олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувларни ўз ичига олади.

Болаларни мустақил давлатимиз рамзлари билан таништириш бу жараёнда алоҳида ўрин тутади. Шу мақсадда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган меҳнат фахрийларини таклиф қилиш мумкин. Уларнинг Давлат байроғи, герби ва мадҳияси ҳақидаги ибратли ҳикоялари навқирон қалбларда унутилмас из қолдириши аниқ. Бундай суҳбатларни маросимлар майдонида, унинг ўнг чеккасида ҳилпираб турган Давлат байроғи ёнида ўтказиш янада таъсирли бўлади. Улар болаларимиз онгида она-Ватанга, аждодларимизнинг бой маънавий мероси ва халқимизнинг анъаналарига, бугунги яратувчанлик ишларимизга чуқур эҳтиромни тарбиялайди.

Тарихий обидаларнинг зиёрати, қўшиқ ва рақс кечалари, халқ ўйинлари байрамлари ҳам тарбиячи-ташкилотчилар режаларида етакчи ўрин тутади. Оромгоҳларда ташкил этилган кутубхоналар шундай қизиқарли учрашувлар, шеърият кечаларининг маркази бўла олади. Тадбирларда байналминал тарбия етакчи ўрин тутиши лозим. Шу мақсадда турли миллатларга хос маданият кечалари ўтказиш мумкин. Дўстлик фестиваллари, турли миллат ва элатларга мансуб таниқли замондошларимиз билан учрашувлар, қатор халқларнинг қўшиқ кечалари оромгоҳда дам олаётган барча болаларнинг ички дунёсини маънавий бойитиши шубҳасиз. Буларнинг барчаси кичкинтойларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялайди.

Умуман, болалар ёзининг кўнгилли ва таъсирчан ўтиши тарбиячилар ҳамда етакчиларнинг маҳоратига боғлиқ.

**Соҳиба ХАЙИТОВА,**
**вилоят Ўқитувчилар малакасини ошириш институти ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси.**

*Тажриба*

# БИЗНИНГ ҲИССА

**Йўллар олисни яқин қилади, қишлоқни шаҳарга, юртни юртга туташтиради.**

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ички магистралларини халқаро андозалар даражасига кўтариш учун кўп иш қилинмоқда. Бу борада «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли бизнинг «Чинозйўлиндустрия» ишлаб чиқариш корхонамиз йўлсозлари муайян тажриба тўплашди. Ҳозирги кунда жамоамизда 372 ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Сўнгги бир йилда улар иш ҳажмини саккиз баробар оширишга муваффақ бўлишди.

Касаба қўмитамиз йўлсозларнинг касбий маҳоратларини ошириш, иш жойларида технологик интизомни, меҳнат хавфсизлигини кучайтириш масалаларини тобора изчил ҳал қилмоқдалар. Шу мақсадда турли тажриба алмашувлар, касбий ўқишлар ташкил этаётирмиз.

Айни пайтда ходимларнинг маънавий тарбиясига, уларнинг бўш иш вақтларини мазмунли ташкил этишга ҳам эътибор кучайтирилаётир. Ишчи ва хизматчиларимиз учун таниқли санъаткорлар иштирокида концертлар уюштирмоқдамиз. Ходимларни маданий дам олдириш, сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, имтиёзли йўлланмалар ажратилаётир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ходимлар рағбатлантирилиб, уларнинг маданий-маиший турмуш даражалари тобора яхшиланиб бормоқда. Биргина мисол: Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан аёл ходимларимизни мукофотлаш учун корхонамиз маъмурияти бир миллион сўм маблағ ажратди.

Йўлсозларимиз Чиноз ва атроф қишлоқларни ободонлаштириш ишларига ҳам яқиндан кўмаклашмоқдалар. Касб-ҳунар коллежи, марказий шифохона ҳудудларини ободонлаштиришга кўрсатилган ёрдам, айниқса, салмоқли бўлди.

Йўлсозларимиз унумли ва сифатли меҳнатлари билан йўлларни равон, юртни обод қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Мухтасар АЛМАТОВА,**
**«Чинозйўлиндустрия» ишлаб чиқариш корхонаси касаба қўмитаси раиси.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР



Касаба ташкилотлари махсус мактаб-интернат ва касб-ҳунар коллежлари тарбияланувчиларининг маданий-маиший шароитларини яхшилашга ҳамиша кўмаклашмоқда. Яқинда касаба ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова (суратда) Ангрендаги 73-махсус мактаб-интернатда бўлиб, тарбияланувчиларнинг шарт-шароитлари, ўқиш жараёнлари билан танишди. Шу куни тарбияланувчиларга қимматбаҳо совғалар — икки дона телевизор ва видеоплеер топширилди.

*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

# МАНФААТЛАР МУҲОФАЗАСИДА

**Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар маънавий етук, билимдон ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар, саховатли барча замондошларимиз бу ишлар самарадорлигини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.**

Уларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари барча таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини тобора кенгроқ жорий этишга, мураббий ва устозларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилмоқда. Табиийки, бу жараёнларда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётир.

Чунончи, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Ангрен шаҳар бўғини ўз таркибига 103 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Уларнинг 9 таси таянч ташкилотлар ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариб, ёш авлодни соғлом ва маънавий етук қилиб тарбиялаш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган тармоқ ходимларини қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия даражасини кўтариш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида бор имкониятларни ишга солмоқдамиз. Таълим муассасаларида ҳар бир ходимга алоҳида хона жиҳозлаб берилди. Бир қатор мактаблар 87 миллион сўмлик янги жиҳозлар билан таъминланди. 1-, 39-мактабларнинг биноларини таъмирлаш учун 65 миллион сўм маблағ ажратилди.

Педагог ходимларнинг малакасини оширишни кўзлаб, мустақил ишлаш учун дарс жадвали ихчамлаштирилиб, ҳафтасига бир кун ажратиб берилди. Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг такомиллаштирилиши ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини янада оширди. Мактаб директори фонди асосида ўқитувчиларнинг меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар тузилиб, педагог ходимларнинг иш ҳақи 35 фоизга кўпайди. 47 нафар ходимларимиз соғлиқларини тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди.

Ўтган йили ёзги таътилда мактаблар қошида 600 ўринли оромгоҳлар ташкил этилганди. Бу йил ҳомийлар ёрдами билан касаба ташкилоти ва «Маҳалла» жамғармаси ҳисобидан 800 ўринли шундай оромгоҳлар ташкил этилиб, болажонлар хизматида бўлади.

Лекин касаба ташкилотлари томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Таълим муассасаларини тиббиёт ускуналари, фавқулодда ҳолларда ёрдам кўрсатиш учун бепул дори-дармонлар, спорт анжомлари, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, янги техник воситалар билан таъминлаш масалалари талаб даражасида бўлиши учун жиддий ҳаракат қилиш бизнинг бурчимиз.

Бу йўналишда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида ҳозиргача бир қатор ишлар амалга оширилди. Тарбия муассасаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида 32 мингдан ортиқ киши қатнашиб, минглаб туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, турли хил гуллар ўтқазилди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 630 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга кўра, касаба уюшмаси аъзоларининг соғлиғини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ қонунларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш ҳуқуқидан фойдаланиб, айрим меҳнаткашлар ишдан ноҳақ бўшатилишининг олди олинди. Масалан, 11-боғча тарбиячиси О. Иванова касаба уюшмаси аралашуви билан қайта ишга тикланди. Тоғли ҳудудда яшаб, меҳнат қилаётган Красногорск қўрғони педагог ходимларининг илтимосларига кўра, ойлик маошига қўшимча 20 фоиз иш ҳақи ажратилишини сўраб, вилоят касаба уюшмасига мурожаат этганмиз. Ҳозир бу масала республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида кўриб чиқилмоқда. Касаба уюшмаси қуйи ташкилотлари бу жараёнларда фаоллашиб, ходимларнинг меҳнат ва ҳуқуқий манфаатларини тобора дадил ҳимоя қилаётир.

**Тоғай ЮСУПОВ,**
**таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг Ангрен шаҳар бўйича вакили.**



*Касаба спорти*

# СЕРМАҲСУЛ ИККИ ЙИЛ

**Вояга етмаган ёшларни машғулотларга кенгроқ жалб қилиш, ўсмирлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ҳокимликлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда мусобақа ва тадбирлар ташкил этилмоқда.**

Икки йилдирки, мактабимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши билан ҳамкорлик шартномаси тузиб, биргаликда мусобақалар ва спорт тадбирлари ўтказаётир. Тўгаракларимизга ахлоқи оғир ва кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган болалар кенгроқ жалб қилинаяпти.

Мактабимизда миллий спорт турларини ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Миллий кураш ва турон яккакураши бўйича ҳокимлик, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари туман бўлимлари билан ҳамкорликда туман ҳокими соврини учун мусобақалар ўтказилди. Унда вилоятимизнинг барча туманлари ва Тошкент шаҳридан 300 га яқин ёшлар қатнашди. Ғолиблар диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ёш спортчиларимиз Паркент тумани ҳокимлиги ва бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳамкорликда ўтказган белбоғли кураш турнирида ҳам муваффақиятли қатнашишди. Бу беллашувларда Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари ёш курашчилари ҳам иштирок этганлиги мусобақанинг нуфузини оширди.

Республика, жаҳон чемпионатлари ва бир қатор халқаро турнирларда ҳам тарбияланувчиларимиз яхши натижаларга эришиб келмоқдалар. Халқаро тоифадаги спорт устаси Дилшод Мансуров 2004 йилги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2005 йил Венгрияда ўтказилган чемпионатда тўртинчи бор эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлди.

2005 йили 6 нафар спортчимиз Чирчиқ шаҳар олимпия захиралари коллежига ва 2 спортчимиз жисмоний тарбия институтига имтиёзли қабул қилиндилар. Мактабимиз мураббийлари 2005-2006 йиллар давомида 8 спорт устаси, 26 спорт усталигига номзод, 40 дан зиёд биринчи разрядли спортчиларни тарбиялаб, катта спорт ареналарига олиб чиқдилар.

**Акром ШЕРДОНАЕВ,**
**Тошкент туманидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, спорт устаси.**



**СУРАТЛАРДА:** *Тошкент туманидаги 4-БЎСМ тарбияланувчиси, «Турон» яккакураши бўйича Ўзбекистон чемпиони Рустам Умаров; болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари машғулот пайтида.*

# ЛАЗОКАТОЙНИНГ ҚУВОНЧИ

***Янгийўл шаҳар тиббиёт коллежининг биринчи босқич талабаси Лазокатой Ҳайдарова беш кун «Бўстон» сиҳатгоҳида даволаниб келди. У вилоят коллежларида билим олаётган 70 тенгдоши даврасида мириқиб дам олди, кўплаб дўст-дугоналар орттирди.***

— Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси етим ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан катта бир гуруҳини бизнинг сиҳатгоҳда бепул соғломлаштирди, — дейди «Бўстон» сиҳатгоҳи бош шифокори Бахтиёр Маҳмадалиев. — Улар тўла тиббий кўрикдан ўтказилиб, тегишли муолажаларни олишди. Дискотекалар, сузиш мусобақалари ҳордиқнинг кўнгилли ва фойдали ўтишини таъминлади.

**Ҳаким УМАРАЛИЕВ.**

# САЛОМАТЛИК СПАРТАКИАДАСИ

**Бўш вақтларида ходимларни оқилона дам олдириш, маънавий ва жисмоний баркамоллигига ҳисса қўшиш ҳамиша касаба ташкилотларининг асосий вазифаси бўлиб келган.**

Унчалик оддий бўлмаган бугунги ўтиш шароитларида бунинг аҳамияти янада ортиб бораётир. Шунинг учун оммавий спортни ривожлантириш масалалари ҳамиша тармоқ касаба уюшмамиз қуйи бўғинларининг диққат марказида турибди.

Шаҳар ва туманлардаги шифохоналарда оддий спорт иншоотлари жиҳозланиб, касаба қўмиталари ёрдамида тикланаётир.

Марказий шифохоналарда спорт хоналари ташкил этилган. Баскетбол, мини-футбол, шахмат-шашка билан шуғулланувчи жамоалар шаклланиб бораяпти. Тош кўтаришда Бекобод шаҳрида шифокор Улуғбек Ҳайдаровга тенглашадиган спортчи йўқ. Ангренлик курашчи Ҳамза Шодмонов эса турли давраларда ҳамон ғолиб чиқаяпти. Шифокор Жанна Азизова стол тенниси билан мунтазам шуғулланиб, ўз маҳоратини оширмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида биз спортнинг оммавийлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил этишда касаба ташкилотларимизнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини кучайтириб, вилоят соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ўртасида кўкламги тўрт босқичли «Саломатлик» спартакиадасини ўтказдик. Унда Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Янгийўл ва Бўка туманлари спорт жамоалари, айниқса, муваффақиятли иштирок этишди. Югуриш, шахмат-шашка, арқон тортиш баҳсларида юзлаб спортчилар ўзаро куч синашишди. Волейболда Янгийўл туман марказий шифохонаси спортчиларига ҳеч бир жамоа тенг кела олмади. Маҳорат жиҳатидан Олтиной Рустамова, Муҳаббат Қобулова, Гавҳар Умаралиева, Хуршида Холдорова ўз рақибларига имконият қолдирмадилар.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ғолибларни дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

**Дилором ТОШМАТОВА,**
**соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири.**

***Саҳифа материалларини касаба уюшмалари вилоят кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.***

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •




*Жаҳон чемпионати – 2006*

# ДЕБОЧАСИНИНГ ЎЗИЁҚ ШИДДАТГА ТЎЛИҚ

**Германия яшил майдонларида старт олган футбол бўйича 18-жаҳон чемпионати ўйинлари тобора шиддатли тус олмоқда.**

Чемпионатнинг очилиш маросими Мюнхен шаҳридаги «Жаҳон кубоги» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Шундан сўнг «А» гуруҳи вакиллари — Германия ҳамда Коста-Рика терма жамоалари майдонга тушишди. Учрашув мезбонларнинг шиддатли ҳужумлари билан бошланиб, 6-дақиқадаёқ Филипп Лам ҳисобни очди. 17-дақиқада Мирослав Клозе ҳисобни 2:0 га етказди. Коста-рикалик ҳужумчи Пауло Ванчопе ўйинда иккита тўп киритишга эришган бўлсада, майдон эгалари 4:2 ҳисобида ғалаба қозонишди.

«А» гуруҳининг иккинчи учрашуви Польша ҳамда Эквадор терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Бу ўйинда Эквадорнинг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси мухлислар кутмаган натижа бўлди, дейиш мумкин.

«В» гуруҳи вакиллари – Англия ҳамда Парагвай терма жамоалари учрашуви кескин ва муросасиз кечди. 3-дақиқада инглизлар сардори Девид Бекхем ошириб берган жарима тўпини Карлос Гамарра ўз дарвозасига боши билан йўллаб, рақибларини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Парагвайликлар қанча ҳаракат қилишмасин дарвозани ишғол эта олишмади. Ўйин инглизлар ғалабаси билан якунланди.

Гуруҳдаги Швеция — Тринидад ва Тобаго терма жамоалари ўйинида ҳисоб очилмади. Швецияликлар тинимсиз ҳужум қилдилар-у, бироқ натижа чиқара олмадилар.

«С» гуруҳидан жой олган Аргентина — Кот Д'Ивуар жамоалари учрашувида 2:1 ҳисобининг қайд этилиши ҳам чемпионатда кучсиз жамоалар йўқлигини кўрсатди.

Шу гуруҳдаги Сербия ва Черногория билан Нидерландия учрашувида голландлар ярим ҳимоячиси Ариен Роббен 18-дақиқада киритган тўп ўйин охиригача сақланиб қолди.

Мексика ҳамда Эрон терма жамоалари ўртасидаги учрашув «Д» гуруҳи ўйинларини бошлаб берди. Кескин ва муросасиз кечган ўйинда эронликлар 75-дақиқагача дурангга умид боғлашаётган эди. Аммо, Омар Браво ва Зина ҳисобнинг 3:1 бўлишини таъминлашди. Эрон биринчи учрашувдаёқ мағлубиятга учради.

«Д» гуруҳининг кейинги учрашувида Ангола ҳамда Португалия жамоалари куч синашди. Ўйиндаги ягона тўпга Португалия ҳужумчиси Педро Паулета муаллифлик қилди.

«Е» гуруҳидаги Италия ва Гана жамоалари учрашуви шиддатли ўйинлардан бири бўлди. Ҳисобни 40-дақиқада италияликлар ярим ҳимоячиси Андреа Пирло очди. 83-дақиқада эса Винчензо Якуинта ҳисобни 2:0 га етказди. Шу гуруҳдаги АҚШ ва Чехия учрашуви 0:3 ҳисобида якунланди.

«F» гуруҳида Осиёнинг икки вакили — Австралия ва Япония жамоалари ўзаро баҳс юритишди. Шу куни японияликлардан омад очиқчасига юз ўгирди. 84-дақиқагача кунчиқар юрт вакиллари 1:0 ҳисобидаги ғалабани сақлаб туришди. Лекин учрашувнинг сўнгги 10 дақиқаси яшил қитъа вакилларига жуда омадли келди ва кетма-кет киритилган учта тўп уларга уч очкони нақд қилиб берди.

**Отабек ЭЛТОЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# «МЕТАЛЛУРГ»НИНГ ТЎРТИНЧИ ҒАЛАБАСИ

**Мамлакат миллий чемпионати олий табақа жамоалари 13-тур учрашувларини ўтказдилар.**

«Металлург» ўз майдонида Сариосиёнинг «Тўпаланг» жамоасини қабул қилди. Бекобод ўйингоҳига тўпланган кўпсонли мухлислар ўйин давомида севимли жамоаларини қўллаб-қувватлаб туришди.

74-дақиқада жамоа тўпурари Камолиддин Мурзаев шериклари ҳаракатини самарали якунлаб, ҳисобни очди. Бу Камолиддиннинг еттинчи тўпидир. У тўпурарлар баҳсида пешқадамлар сафидан жой олди. «Металлург» чемпионатдаги тўртинчи ғалабасини қўлга киритиб, ўз ҳисобидаги очколар сонини 16 тага етказди.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Бухоро» — «Пахтакор» — 0:2, «Хоразм» — «Насаф» — 2:4; «Машъал» — «Андижон» — 3:1; «Нефтчи» — «Трактор» — 4:0; «Навбаҳор» — «Сўғдиёна» — 1:0; «Қизилқум» — «Шўртан» — 3:0; «Самарқанд-Д» — «Локомотив» — 2:2.

Чемпионатда «Пахтакор» жамоаси 37 очко тўплаб, карвонбошилик қилмоқда. «Насаф» 31 очко билан 2-ўринни, «Машъал» эса, 29 очко билан 3-ўринни банд этган.

Навбатдаги 14-тур учрашувлари 15, 16 июнда бўлиб ўтади. «Металлург» Тошкентда «Локомотив» жамоасига қарши майдонга тушади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

*Муҳокама учун мавзу*

# МАҲАЛЛАГА АРАЛАШИБ ТУРАСИЗМИ?

Маҳаллада бўлаётган бир йиғинда қариялар қолиб, ёшларни тўрга чиқарган кишига қараб оқсоқол жаҳл аралаш деди:

— Маҳаллага аралашиб туриш керак, ука, шунда йиғиннинг қонун-қоидасини тушунасиз. Мана, билмаганингиз учун қариялар қолиб, ёшларни тўрга олдингиз.

Хизмат қилиб юрган киши мулзам бўлди. Суриштирсам, бу одам ҳақиқатдан ҳам маҳаллага аралашмас, ошни еб, чиқиб кетаверар экан. Бугун энди ён қўшниси йиғин ўтказаётгани учун ҳурмат юзасидан бир хизмат қилмоқчи бўлибди-ю... Хуллас «маҳаллага аралашиб туриш керак» деган гапда анча ҳикмат бор экан.

Мен бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Қишлоқдан шаҳарга кўчиб борган бир акамиз салкам қирқ йил шаҳарда яшаса ҳам маҳаллага аралашмасди. Эрта кетиб кеч келадиган касбда ишлаган бу акамиз иттифоқо тўй қилганларида хизмат қиладиган одам топилмади. Маҳалладошлар бу киши ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эди. Табиийки, бу ҳолат жуда хунук кўринганди.

Демак, маҳаллага аралашиб туриш керак, деган гапнинг маъносида эл бўлиш керак, деган ҳикмат ётади.

Эсимда, болалигимизда маҳалламиздаги томларни сувоқ қилиш учун ҳашар уюштириларди. Маҳалланинг катта-кичик, ишга яроқлилари бирин-кетин асбоб-ускуналари билан кириб келишарди. Кимдир лой узатган, кимдир андава тутган, кимдир пақирга лой солган, улуғроқлар пақир тагига сув қуйиб туришган. Шу нарса эсимдаки, 70-80 ёшли чоллар ҳам ҳашарга келиб, супа устида ўтириб, «ҳайбаракалла» деб туришарди.

Бундай маросимларга маҳалламиздан бир одам ҳеч келмасди. Лекин унинг том сувоғига ҳамма бораверарди. Билмадим, у пайтларда ўпка-гина йўқ бўлиб, меҳр-муҳаббат зиёда бўлганмикан?

Ҳашарларнинг бирида кимдир:

— Эртага фалончи аканикига том сувоққа экан (ҳашарга келмаган одам ҳақида гап кетар эди), нима қиламиз, Дўсмат бува, бораверайликми? — деб оқсоқолдан сўраб қолди.

— Э, болам, у одам эл бўлмайди, биз эса элмиз. Шунинг учун борамиз. Орияти бўлса, шундан кейин ўзгарар, бўлмаса ўзи билади, — деди Дўсмат бува ҳам салмоқлаб.

Маҳалланинг ишига аралашмаган, унинг иссиқ-совуғида тик турмаган, йиғинларида хизмат қилмаганларни бир оғиз гап билан «эл бўлмайди» десалар бунинг нечоғлик оғир гап эканлигини балки баъзилар тушунмас.

Тўғри, маҳаллага аралашиб туриш ҳар кимнинг ихтиёри. Лекин ҳамма нарсани замонга тўнкаб, қонимизга сингиб кетган азалий одатларимиздан, ўзимизга хос бўлган ахлоқу одобимиздан, яхши анъаналаримиздан воз кечишимиз керакми?

Ҳашар ўзаро меҳр-оқибат уйғотса, маҳалланинг ҳар қандай маросимларида, тўю маъракаларида хизмат қилиш ўзаро ҳурмат-иззатни шакллантиради.

Ўзлигимизга хос бўлган улуғ бир хислат — бу бир-биримизга суянчиқ, елкадош бўлиб, кўнгил сўраб яшашдир. Бундай тарбия эса аввало, маҳалладан бошланади.

Биз тўрт девор ичида ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб, ўзимиз билан ўзимиз яшашга одатланмаганмиз. Чунки, қаерда яшашимиздан қатъи назар «одам тафтини одам олади» деган ҳикматга ёндашиб яшаймиз. Шу маънода иссиқ-совуқ кунларимизнинг ҳаммаси маҳалла билан бирга.

Маълумки, кейинги пайтларда маҳаллада жамоат ташкилотларининг фаоллиги анча ўсди. Ёшлар тарбияси, хотин-қизлар билан боғлиқ масалаларга эътибор кучайди. Маслаҳатчилар ҳам ўз ишларини кун сайин такомиллаштириб бормоқдалар. Бу ҳар бир оиладаги гапдан хабардор бўлиш билан бирга, одамларни маҳалла ишига жалб этишнинг энг мақбул йўлларидан биридир.

Яна эшитган воқеаларим эсимга тушаверади. Бир дўстимнинг ўғли шаҳарда ишлаб қолди ва бирмунча муддатдан сўнг янги квартира олди. Орадан олти ой ўтгач, у кичиккина уй тўйи қилиб бериш мақсадида ўғлига маслаҳат солибди. Ён қўшниларингни чақир, иложи бўлса маҳалла оқсоқоли билан маслаҳатлашиб, беш-олти қарияни ҳам таклиф этайлик деса, ўғли ҳалигача на қўшниларини, на қарияларни танимаслигини айтибди. Бундай воқеалар ҳар қадамда учрайди. Маҳаллада яшаб, айниқса «дом»ларда ёнма-ён бир неча йиллар истиқомат қилиб, бир-бирини танимайдиганлар қанча. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда бир-биримизга бегонасираб қарасак айб бўлмай қолди.

Маҳаллага аралашиб турган одам доимо юрагида фахр-ифтихор билан яшайди. Шу маҳаллада яшаётганидан, ўзгалар корига яраётганидан, қолаверса, элнинг бир қанотида борлигидан хурсанд бўлади. Бошқани билмадим-у, мен шундай деб ҳисоблайман.

Булоқсой маҳалласи оқсоқоли Бўрибой ака билан суҳбатлашиб қолганимизда бир гап айтдилар:

— Маҳалламизда каттароқ идорада ишлайдиган бир амалдор йигит яшарди. У эртаю кеч ишда бўлгани учун маҳаллага деярли аралашмасди. Лекин ҳафтада бир маҳалла идорасига кириб, «бизга нима топшириқ бор» деб кетарди. У-бу ишларимизга ҳам қарашиб юрди. Иттифоқо шу йигитнинг қишлоқда турадиган отаси вафот этди. Биз буни эшитиб, бир автобус бўлиб, маҳалланинг ёшу қарилари бордик. Ҳалиги йигит елкамга бошини қўйиб бир йиғлайди денг... Хуллас, бир у эмас, бутун қишлоқ биздан хурсанд бўлди. Ахир, бундан ортиқ меҳр-оқибатни қайдан топасиз? Бир-биримизга ғаниматмиз, бир-биримизга керакмиз, укажон, сиз ҳам ҳеч маҳаллангиздан четда қолманг, маҳаллага аралашиб туринг.

Дарҳақиқат, маҳаллага аралашиб туришда ўзбекона ҳикмат бор. Бу ҳикматни ҳар ким ўзининг юрагидан топади, шундай эмасми?!

**Ҳамид НОРКУЛОВ.**

# «ГИРОЙ»НИНГ ЭРИ

**(Ҳажвия)**

Болажон халқимиз бир-бири билан учрашганда нечта машинангиз бор қанча гиламингиз бор, деб сўрамайди, болалар қанча бўлди, дейди. Меҳнатсевар, меҳридарё халқимизнинг бу фазилатига қойил қолганим учун ҳисоб-китобга риоя қилмай, оилавий пудрат тузиб, жужуқлар сонини ўнтага етказибман. Ўнта! Жаҳон терма командаси билан бемалол тўп тепишаверамиз. Баъзан таниш-билишлар болаларимнинг исмларини сўраб қолишади. Бошимни қашиб, жавоб қиламан: Арслон, Қоплон, Бўривой, Шерхон, Қўзибой, Тойлоқ, Серкабой, Қирғийбек...

— Болаларингизга жангари ҳайвонларнинг исмларини қўйибсиз, бир-бирлари билан калла ташлашмайдими, — деб кулсалар: «Йўқ, тинч-тотувликда яшайдилар», деб жавоб бераман.

Тунов куни бир мухбирча қизиб кетган микрофонига «пуф-пуф»лаб каминага лутф қилдилар.

— Қўчқорвой ака, оилавий инкубатория ташкил қилибсиз, бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак деганларидек, тирикчилик қандай ўтаяпти?

— Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан дейдилар, жўжалар насибасини териб юрибди, — деб жавоб бердим.

— Ўнта болам бор, қаҳрамон отаман дейсиз, қаҳрамонлик унвонини урушда қатнашганларга беришадику?!

— Қизиқ экансиз, ука, ўнта жужуқнинг дунёга келишида озмунча жанглар, олишувлар, стратегия, тактикалар бўлганми?

— Барибир, болаларни сиз эмас, янгам туққан-ку?

— Янгангиз болаларни Биби Марямга ўхшаб ҳаводан олиб туғибдими, уларнинг дунёга келишида каминанинг камтарона ҳиссаси йўқми? Ёзувчиларнинг ибораси билан айтганда, мен соавторман, яъни тенг шерикман, — дедим.

— Ўзларингга маълум, болаларнинг нафақа пули фақат оналарга берилади. Мен ялиниб-ёлвориб гирой хотинимнинг ёрдам пулини олдим. Кўнгил тортар улфатларимни зиёфатга таклиф қилдим. Камбағалнинг бир тўйгани чала бойигани, деб роса нажрхўрлик қилдик. Эрталаб саҳрода юрган туядек оғзим қақраб уйғондим. Бундай қарасам, улфатим Соли чатоқнинг уйида ётган эканман. Ҳойнаҳой киссада ҳемири ҳам қолмаган бўлса керак. Бир сафар мастликда пул яшириб, тополмаган эдим, ҳозир ўша пул ёдимга тушди. Дарҳол уйга қўнғироқ қилдим.

— Саҳий, суюкли хотинжон, жовондаги энг қалин китобнинг 357-саҳифасида беш минг сўм бор, қоронғу кунга атаб яшириб қўйган эдим. Ўша қоронғу кун келди. Мен билан турмуш қиламан десанг, ўша пулни Серкабойдан тезда бериб юбор, адрис Соли чатоқнинг уйи. Болаларга отанинг фариштаси улуғ бўлади деб айт, тез етиб келсин.

Хотин гапимни бўлди:

— Сизда фаришта нима қилади, икки елкангизга иккита шайтон миниб олганку?

— Хотинжон, жужуқлар ҳурмати кечир, ичкиликни қайтиб оғзимга олмайман, сенга атаб ғазал битиб қўйдим, эшит жоним:

— Хотинжоним фаришта,
Ҳамма иши саришта.
Эрчасига меҳрибон,
Унга бўлсин фидо жон...

— Бўлди, бас қилинг, ўғлингиз ҳозир етиб боради.

Шу тариқа хотиним гиройлик қилиб, мени яна қутқариб қолди.

**Абдулла ИСОМИДДИН.**

# ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР



Майизли рулет ёки бирор бир пишириқ тайёрламоқчи бўлсангиз, майизни яхшилаб ювиб, ун билан аралаштирган ҳолда ишлатинг. Шунда бир текисда жойлашади.

* * *

Сут қайнаётганда идиш четига озроқ ёғ суртиб қўйсангиз, сут «қочиб кетмайди».

* * *

Хамир қоришдан олдин тухум сариғига озроқ туз қўшсангиз, тайёрлайдиган пишириқ (торт, пирог, рулет)нинг ранги сариқ ва чиройли бўлади.

* * *

Картошкани бутун ҳолда қайнатаётганда, ёрилиб кетмаслиги учун бир неча жойидан тешиб қўйинг.

* * *

Нўхат алоҳида пиширилганда идишдаги сув нўхат билан баравар бўлиши керак. Пишириш пайтида уни кавламанг, акс ҳолда у эзилиб пишади.


Ҳурматли қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари!

«MOLSEM GROUP»
масъулияти чекланган жамияти

**Тошкент шаҳридаги омборхоналардан эртапишар F1 Молдавия селекция гибридларининг маккажўхори уруғларини етказиб беришни таклиф этади.**

Гибридга боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даври 75-77 кун. Дон ҳосилдорлиги гектаридан 60-90 центнер, силос массаси — гектаридан 400-500 центнер. Дон таркиби 10,6 % оқсил, 3,9 % ёғ ва 71,4 % крахмалдан иборат.

Маккажўхори уруғлари сараланган, инскрустацияланган, ROYL FLO 42 S фунациди билан дориланган ҳамда 25 кг. ҳажмдаги қоғоз қопларга жойланган.

**Ишингизга ривож тилаб, ҳурмат ва эҳтиром билан «MOLSEM GROUP» директори Валентин Будяну.**

**Манзил:** Тошкент 700000, Пушкин кўчаси, 59-уй.
**Телефон:** (+99871) 137-11-67, **факс:** 137-11-49.


*Китобингизни ўқидим*

# «ЎТАЁТГАН ҲАР КУНИМ — ГУЛДИР!»




**Яхши шеър, топиб айтилган фавқулодда фикр худди гулханга ўхшайди. У шундай сеҳрли гулханки, атрофидан ҳеч кеттинг келмайди. Унга тикилиб, олам ва одамнинг яктанлигига беихтиёр тан берасан. Топиб айтилган сўз — илоҳийдир, у орзиқиб кутилган байрамга ўхшайди.**

Паркентлик иқтидорли ёш шоир Жасур Ҳусановнинг «Ёнимдаги ёлғизим» илк шеърий тўпламига жамланган шеърларни ўқирканман, кўнглимдан ана шундай фикрлар кечди. Ҳайратимни яширолмадим.

Атоқли устозимиз Ғафур Ғулом: «Шеърият кўнгил эрмаги эмас. У учувчига қанотдай, йўлчига ҳамроҳдай, уй бекасига игнадай зарур нарса», дея лутф қилган эканлар. Сиз доимо ҳақсиз, устоз!

Таъбир жоиз бўлса, ошиқлик Жасурнинг соҳир юрагида шеър туғдиради. Бу шеърлар эса қир лолаларидай гўзал, тонгги шудринг каби майин, кўнгилга ором берувчидир. Шоирнинг табиат, ота-она, Ватан ҳақидаги шеърлари кишини мушоҳада қилишга, хаёл уммонида сузишга ундайди. Унинг шеърларида ёшликка хос жўшқинлик ва қайсарлик борлиги ҳам дуруст.

*Мен отамнинг тилида*
*ёзмоқ истайман,*
*Чунки дил дардларим*
*тушунсин отам.*
*Ҳаётда отанинг дил ризоси*
*билан,*
*Кунма-кун юксалиб*
*боради одам.*

«Муҳаббатли киши — шарқираб турган ирмоқ. У гоҳ йўлдан адашади, гоҳ билмай тиканзорга бош суқиб қўйиши мумкин. Демоқчиманки, Жасур Ҳусанов изланаётган шоир. У ҳали мақтов меҳробида тиз чўколмайди. Шу боис илк китобини қусурлардан ҳоли десам, хато қилган бўламан», деб ёзади ардоқли шоиримиз Маҳмуд Тоир тўпламга ёзган сўз бошида.

*У ёкда онамнинг кўзлари йўлда,*
*Қўллари дуода — тилар омадим.*
*Дарров иссиқ нонлар ёпади,*
*Мен унинг қадрига ета*
*олмадим.*

Бу энди соғинч ҳақидаги юракни зирқиратадиган дард. Бу дарднинг давоси йўқ... Жасурнинг шеърларида Паркент номли маъвонинг мусаффо ва соф ҳавоси, бол томиб ётадиган узумзорлари, оламга бергусиз боғу роғлари, паҳлавонкелбат йигитларию ой сингари сулувдан-сулув қизлари, ҳамиша дуогўй ота-хонлару онахонларининг қалби уфуриб турганга ўхшайди.

*Яқин бўлди, яқин бўлди,*
*Мен айтганим тағин бўлди.*
*Суйган ёрим, куйган ёрим,*
*Ўз дўстимга — қўшни уйга,*
*Бир ажойиб келин бўлди!..*

Бу бевафо ёр, ориятсиз дўст ҳақидаги мунгли қўшиқ. Минг йиллардан буён шоиру шуаролар тилидан тушмай келаётган эски дарднинг янгича талқини. Жасурнинг шеърларида муҳаббат оҳанглари ўзгача талқинда, янги услубда баланд пардаларда янграб туради:

*Она юртнинг тилаклари*
*Иккимизга бўй бўлади.*
*Билсанг, ҳамма эртакнинг*
*Охирида тўй бўлади.*

Бу — бахтиёр ошиқнинг дилидан отилиб чиққан тилаклари.

Жасур Ҳусанов вилоятимизда яшаб ижод қилаётган иқтидорли ёш шоирлардан биридир. Унинг «Ёнимдаги ёлғизим» шеърлар китоби бутунлай қусурлардан ҳоли деган фикрдан мен ҳам йироқман. Бинобарин, ошиқ шоир оҳларидан сараланган манзур гулларни асраш, авайлаш, қолаверса, шоир укамни қутлаш мақсадида ушбу сатрларни битишга шошилдим, холос.

**Шавкат ТУРОБ.**


Яккасарой туманидаги «AVANTIX SERVIS» МЧЖ (ОКПО 19514687)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 65-67-46 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги «Softfarm» хусусий фирмаси
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 155-19-19 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Представительство компании «EMCO LLC» Мирабадского района в связи с окончанием срока аккредитации
**ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются до 01.07.2006г. Тел.: 151-29-00.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. Адади 5761. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40. 1 2 3 4 5